

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2026-yil 8-yanvar, payshanba

№ 1 (9373)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi



Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида сув ресурслари билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилдики, бу бежиз эмас, албатта. Негаки, нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда мавжуд сув ресурслари ундан нихоятда оқилона фойдаланишимиз шартлигини тақозо қилмоқда. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари келгуси беш йилда иқтисодийтимиз ҳажмини ошириш учун муҳим йўналишлар қаторида сув тежайдиган усуллари фаол қўллашни таъкидладилар.

Жорий йилда сув тежовчи усуллар янада фаол қўлланилади

“Дунёда сув танқислиги муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ сувдан оқилона фойдаланишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик”, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 августдаги қарорига мувофиқ, сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, сув иншоотларини модернизация қилиш, сугориш тадбирлари бўйича келгуси уч йил учун қиймати 5,5 млрд. долларлик Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш

ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025-2028 йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинди. Дастур доирасида сувни тежайдиган технологиялар қамрови 61 фоизга ёки 2,6 млн. гектарга етказилди. Шундан, 604,4 минг гектарда томчилатиб, 122,1 минг гектарда ёмғирлатиб, 73,6 минг гектарда дискрет сугориш технологиялари жорий қилинди, шунингдек, 123 минг гектар майдон эгилувчан қувур орқали ва эгатга плёнка тўшаб сугорилди ҳамда 1,6 млн. гектар майдонлар лазер ускунаси ёрдамида текисланди.

(Давоми 2-саҳифада)



Қатъий назорат қурилиш сифатини таъминлайди

Ҳар қандай қурилишда ҳам қатъий назорат муҳим ўрин тутади. Назорат суст бўлса, “мендан кетгунча, эгасига етгунча” йўсинида қилинган иш ҳам қабул қилиб олинади ва оқибатда қатор муаммолар юзага чиқади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир қурилиш жараёнини қатъий назоратга олганмиз.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат илиш инспекциясининг Сурхондарё вилояти ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ўтган йилнинг 11 ойи давомида “Қурилишда давлат назорати” миллий ахборот тизимида 819 таси жараёнда, 766 таси музлатилган ва тўхтатилган, жами 1585 та объектда 25 минг 876 маротаба назорат ишлари олиб борилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган жами 10 минг 215 та муддатли ёзма кўрсатмалар берилди. Буюртмачи, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларнинг 352 нафар мансабдор шахсларига нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, 4 млрд. 732 млн. 470 минг сўмлик маъмурий чоралар қўрилди.

Бундан ташқари, 149 та ҳолатда шаҳарсозлик меъёрий талаблари ва лойиҳа ҳужжатларига зид равишда бажарилган ишлар, биноларда конструктив бузилишлар

аниқланган ҳолатларда, ушбу объектларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш юзасидан пудратчиларга нисбатан қўрсатмалар берилди, бузириш ишлари амалга оширилиб, қайтадан бажартириш чоралари қўрилди. 9 та ҳолатда эса, демонтаж ишлари амалга ошириш бўйича судларга даъво аризалари киритилди.

Лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш, муаллифлик ва техник назоратчилар белгиланган тартибда назорат ишларини олиб бормаганлиги ҳолатлари бўйича ҳам буюртмачиларга 124 та, лойиҳачиларга 142 та тақдимнома берилди. Сифатсиз қурилиш конструкциялари, материаллари ва буюмлари қўлланилгани бўйича ҳам тегишли орган ва ташкилотларга жами юзта ҳолатда ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан чоралар қўриш бўйича тақдимномалар чиқарилди.

(Давоми 3-саҳифада)

Ёшлар руҳий саломатлигида ота-онанинг ўрни катта

Бугунги глобаллашув ва тезкор ахборот даврида ёшлар руҳий ҳолати тобора кўпроқ ташқи омилларга боғлиқ бўлиб бормоқда.

Ўқиш, иш, ижтимоий тармоқлар, келажак ҳақидаги хавотирлар ёшлар ҳаётида руҳий босимни кучайтирмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ҳолатларда ёшларни ёлғиз қолдирмаслик, уларга ўз вақтида эътибор қаратиш жуда муҳим.

Оила, айниқса, ота-она ёшлар руҳий саломатлигининг асосий таянчи ҳисобланади. Ота-онанинг бефарқлиги ёки ҳаддан ташқари талабчанлиги ёшнинг ички дунёсида тушунилмаслик ҳиссини кучайтиради. Аксинча, оддийгина тинчлаш, суҳбатлашиш ва қўллаб-қувватлаш ёш учун катта далда бўла олади. Ҳар бир фарзанд бошқалар билан эмас, фақат ўзининг кечаги ҳолати билан солиштирилиши керак.

Жамиятнинг масъулияти қаерда?

Рухий саломатлик фақат оиланинг муаммоси эмас. Жамиятда яратилган муҳит ҳам ёшларнинг кайфияти ва руҳий ҳолатига бевосита таъсир



қилади. Таълим муассасаларидаги босим, иш жойидаги стресс, камситиш ёки масҳара қилиш ҳолатлари ёшларни ички ёлғизликка олиб келиши мумкин. Шу сабабли мактаб, коллеж ва университетларда психологик ёрдам хизматларини кучайтириш, ёшлар билан очиқ мулоқот қилиш зарур.

(Давоми 3-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ ЙЎНАЛИШИДА ЯХЛИТ МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1-сон қарори ижроси натижасида маҳаллаларда жиноятчиликни қарийб 1,5 бараварга камайтиришга эришилганини инобатга олган ҳолда, шунингдек, мазкур йўналишда яхлит ишлаш тизимини жорий этиш ҳамда масъул раҳбарларнинг вазифаларини белгилаш мақсадида қарор қиламан:

1. Мақсадлар ва устувор вазифалар

Қуйидагилар ушбу қарорнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

а) **ижтимоий профилактика самарадорлигини ошириш**ни устувор вазифа этиб белгиланган ҳолда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни ишончли таъминлаш бўйича манзилли профилактик чора-тадбирлар тизимини самарали жорий этиш орқали жиноятчиликни кескин камайтириш;

б) **оила-турмуш муносабатлари** доирасида ҳамда **аёллар ва ёшлар томонидан** содир этилаётган жиноятларнинг асл омилларини илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш орқали уларнинг барвақт олдини олиш бўйича янги ишлаш механизмларини белгилаш;

в) ҳар қандай ноқонуний ҳолатлар юзасидан мурожаатларга тезкорлик билан муносабат билдириш тизимини яратиш, бу борадаги фаолиятни бевосита жойларда самарали йўлга қўйиш орқали аҳоли розилигига эришиш.

2. Қуйидагилар барча масъул идоралар ва муассасалар учун маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича ташкилий-профилактик чора-тадбирларни амалга оширишнинг **устувор вазифалари** этиб белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1-сон қарори билан белгиланган механизмларига мувофиқ ишларни давом эттириш;


б) ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятга салбий таъсир этувчи омиллар билан ишлашнинг маҳаллалар кесимида ҳар чораклик манзилли чора-тадбирларини белгилаш ҳамда уларнинг **маҳалла – туман – вилоят** даражасида ижроси учун бевосита масъул раҳбарларни бириктириш ва зиммаларига аниқ **жавобгарликни** юклаш;

в) маҳалла ҳудудида аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш орқали олдини олиш мумкин бўлган ҳар бир жиноят бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг **масъулиятини** ошириш, ижтимоий профилактика субъектлари томонидан амалга оширилган тадбирлар самарадорлиги юзасидан **қатъий сўров тизимини йўлга қўйиш**;

г) оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳамда **аёллар ва ёшлар томонидан** содир этиладиган жиноятларни **“илмий хулоса – тавсия – натижа”** тамойили асосида жойларга чиққан ҳолда мақсадли илмий-амалий ўрганиш орқали самарали **ташқилий-ҳуқуқий чораларни** белгилаш;

д) маҳаллалардаги жамоат жойларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш йўналишига замонавий ахборот-коммуникация ва **сунъий интеллект** технологияларини, ижтимоий профилактикага масъул идоралар ва муассасалар томонидан қўрилаётган чораларнинг самарадорлиги устидан электрон назорат тизимини кенг жорий этиш.

(Давоми 2-саҳифада)



Темир йўл ва логистика минтақавий савдодаги роли катта

XXI асрда халқаро савдо ҳажмининг ошгани, глобал таъминот занжирларининг мураккаблашгани ва рақобат кучайгани сабабли транспорт-коммуникация инфратузилмаси, хусусан, темир йўл ва логистика тизими мамлакат иқтисодий барқарорлигида ҳал қилувчи омилга айланган.

Логистика хомашё ва тайёр маҳсулотни етказиб бериш, уларни сақлаш, божхона расмийлаштируви ва истеъмолчигача етказиш жараёнини ўз ичига олади. Унинг ривожини давлатлар савдони тезлаштириш ва экспортни диверсификациялашга хизмат қилади.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодийотида фаол интеграциялашаётган бир пайтда транспорт инфратузилмасига катта эътибор қаратмоқда. Сўнгги йилларда амалий ва бошқарув жиҳатларидаги ислохотлар, бозор механизмлари жорий этилиши ва инвестициялар натижасида мамлакат логистик имкониятлари сезиларли даражада кенгайди. Мамлакатимизда ҳозир фаолият юритаётган асосий логистика марказлари транзит ва экспорт йўналишларини ривожлантириш, юкларни саралаш ва контейнер ташувларини тезлаштириш орқали минтақавий савдога катта ҳисса қўшмоқда.

Маълумотларга кўра, дунё бўйлаб уч мингдан ортиқ логистика маркази фаолият юритади. Глобал транспорт йўлларининг йирик қисми – 80 дан ортиқ йўлак мавжуд бўлиб, уларнинг 44 таси минтақамиздан ўтади. Ўзбекистон транспортда ташувлар

ни тартибга солишчи бир қатор халқаро конвенциялар ва битимларга қўшилган, шунингдек, МДХ ва Евросиё мамлакатлари билан ҳукуматлараро ҳамкорликни йўлга қўйган. Бундай ҳамкорликлар божхона тартибларини соддалаштириш, транзит вақтини камайтириш, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун шароит яратиш, мультимодал йўлакларни оптимallashtirish орқали экспорт имкониятларини кенгайтириш имконини бермоқда.

Замонавий логистика бу фақат йўл-иншоотлар эмас, балки ахборот тизимлари, автоматлаштириш ва блокчейн каби

технологияларни ҳам ўз ичига олади. АИ ёрдамида таъминот занжирини башорат қилиш, контейнерлар қаерда эканлигини реал вақтда кузатиш ва электрон ҳужжат айланиши экспорт-импорт жараёнини сезиларли тезлаштиради.

Қисқаси, логистика ривожини мамлакат иқтисодий суверитини ошириш, экспортни диверсификациялаш ва минтақавий савдони кенгайтиришда асосий воситадир.

Валишер АБИРОВ,
ТДШУ доценти,
Робия САФАРОВА,
ТДШУ талабаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШ ЙЎНАЛИШИДА ЯХЛИТ МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

II. Ташкилий-профилактик чора-тадбирлар

3. Белгилансинки, маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйишга қаратилган манзилли ишларни ташкил этиш мақсадида **2026 йилда** ҳудудлар масъул раҳбарлар ва муассасаларга қуйидаги тартибда номма-ном бириктирилади:

а) криминоген вазияти оғир маҳаллалар – туман (шаҳар) ҳокимлари, прокурорлари ҳамда ички ишлар органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига;

б) беш йилдан буён “қизил” тоифада бўлаётган маҳаллалар – Миллий гвардиянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, вилоят даражасидаги ички ишлар органлари раҳбарларининг ва ҳокимларнинг ўринбосарларига;

в) уч йилдан буён “қизил” тоифада қолаётган маҳаллалар – ҳуқуқ-тартибот идораларининг таълим ва илмий ташкилотларига;

г) криминоген вазияти энг оғир туман ва шаҳарлар – вилоятлар даражасидаги прокурорларнинг ва ички ишлар органлари раҳбарларининг биринчи ўринбосарларига;

д) аёллар жиноятчилиги, спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар жиноятчилиги ҳамда низоли оилалар салмоғи энг юқори бўлган маҳаллалар – тегишинча вилоятлар даражасидаги оила ва хотин-қизлар, соғлиқни сақлаш ҳамда адлия бошқармалари бошлиқларига.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) бириктирилган масъул раҳбарлар ва муассасалар зиммасига ўз ҳудудларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш намунасини яратиш, ҳудудий “йўл хариталари” билан белгиланган чора-тадбирларнинг тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш ҳамда ижтимоий профилактика тизимини самарали йўлга қўйиш бўйича қатъий шахсий жавобгарлик юкланади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда бевосита ўзлари камда иккита криминоген вазияти оғир ва мураккаб маҳаллаларга борган ҳолда ёшлар, аёллар ва ишсизларга нисбатан белгиланган ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш ҳолатини танқидий ўрганади ҳамда уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини бартараф этиш бўйича манзилли чоралар кўради;

в) ҳар ой якунида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан маҳаллаларда содир этилган ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг сабаблари ва уларни келтириб чиқарган омилларни танқидий муҳокама қилади ва ҳаракатсизликка йўл қўйган ижтимоий

профилактикага масъул ташкилотлар раҳбарларига нисбатан чоралар кўради;

г) ижтимоий мослаштириш дастури яқунлангандан сўнг ижтимоий профилактика объектлари томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида ушбу шахсларнинг турмуш тарзи бир йил давомида **мониторинг қилиб борилади**;

д) республика маҳаллаларида иловага мувофиқ тартибда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлигида “Ижтимоий профилактика ҳафталиги”ни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади;

ж) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳудудий прокурорлар ва ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳар чоракда киритиладиган қўшма таклифларига асосан маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш йўналишида масъул давлат идораларининг камиди **15 нафар** ўрнак кўрсатган раҳбар ва ходимлари маҳаллий бюджет даромадларининг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (пул таъминоти)нинг бир баравари миқдорда пул мукофоти билан рағбатлантириб борилади.

III. Ташкилий-назорат чора-тадбирлар

Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш мақсадида Бош прокуратура ҳузурида тузилган Республика идоралараро мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи) ўз фаолиятини белгиланган тартибда давом эттирсин.

Мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи (Б.Валиев, А.Рахматуллаев):

а) **2026-2027 йилларда ҳар чоракда** республика маҳаллаларида хавфсиз муҳит яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг самарали ташкилий-техник тизимини шакллантиришга қаратилган ҳар бир ҳудуд кесимида асосий мақсадли кўрсаткичларни тасдиқлаб борсин ҳамда уларга эришиш ҳолати устидан назоратни таъминласин;

б) **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир ҳудуд ва криминоген вазияти оғир маҳаллалар кесимида** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сон қарори билан тасдиқланган маҳалла – туман – вилоят даражаларидаги манзилли чора-тадбирларнинг намунавий “йўл хариталари” асосида ҳар чораклик ҳудудий “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва ижрога қаратишни ташкил қилсин;

в) маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси борасидаги ишларнинг натижадорлигини, шу жумладан, жойларга бевосита чиққан ҳолда тизимли равишда баҳоласин, шунингдек, ҳудудий “йўл

хариталари”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини доимий равишда қатъий назорат (шу жумладан, электрон назорат платформаси орқали) қилиб борсин;

г) ҳар ойда камда иккита вилоят кесимида маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ва натижадорлиги бўйича барча масъул идора ва муассасалар билан танқидий муҳокамалар ўтказилишини ҳамда ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган таъсир чоралари кўриб борилишини йўлга қўйсин;

д) маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ишлариға муносиб ҳисса қўшган масъул раҳбарлар ва ходимларни ҳар йили **Маҳалла тизими ходимлари кўни муносабати билан давлат мукофотларига тавсия қилиб борсин**.

7. Белгилансинки:

а) маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш йўналишида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижадорлиги ҳар ой якунида – вилоят прокурорлари ва ички ишлар органлари бошлиқлари ҳузурида, ҳар чорак якунида ички ишлар вазир ва Бош прокурор ҳузурида тегишли вилоят ва республика раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таҳлилий ахборот ҳамда масъулларни рағбатлантириш ёки интизомий жазолаш бўйича таклифлар киритиб борилади;

б) мазкур қарорга мувофиқ ҳудудларга бириктирилган масъул раҳбарлар ва муассасалар томонидан амалга оширилган ишлар ҳолати устидан назорат қилиш, шу жумладан, жойларга бевосита чиққан ҳолда уларнинг натижадорлигини баҳолаб бориш Мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи ва унинг ҳудудий штаблари томонидан таъминланади.

IV. Қонун устуворлигини таъминлаш чоралари

Қуйидагиларга:

а) Бош прокурорнинг ва ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосарларига – жиноятларни ҳисобдан яшириш, республика миқёсида кундалик ҳисоботларга сохта маълумотларни киритиш ҳолатларига тубдан барҳам беришга қаратилган қатъий назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокурорлари ва ички ишлар органлари раҳбарларига – жиноят ишини кўзғатишни асоссиз рад этиш, жиноятларни ҳисобдан яшириш ва қасддан нотўғри малакаш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тизимли назоратни таъминлаш бўйича;

в) туман (шаҳар) прокурорлари ва ички ишлар органлари раҳбарларига – аҳолининг ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ҳар қандай мурожаатларини сўзсиз рўйхатга олиш, кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини ўрганиш ҳамда барча жиноий ҳолатлар юзасидан

белгиланган тадбирлар ўз вақтида, қонуний ва тўлақонли амалга оширилишини ташкил этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилсин ҳамда бу борада қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

Ички ишлар вазирлиги (А.Ташпулатов):

а) **2026 йил якунига қадар** фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги оғзаки мурожаатларини соҳа ва ҳудудидан қатъи назар, ички ишлар органлари ходимларининг хизмат планшетлари орқали реал вақт режимида ягона тартибда қабул қилиш ҳамда тегишлилиги бўйича тезкорлик билан муносабат билдириш амалиётини йўлга қўйсин;

б) **2026 йил 1 ноябрга қадар** фуқаролар томонидан маҳалла профилактика инспекторлари билан онлайн мулоқот қилиш, фото, аудио, видео ва ташвиш хабарларини юбориш, шунингдек, уларнинг фаолиятига баҳо бериш имкониятини берувчи “Менинг инспекторим” мобил иловасини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш чораларини кўрсин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2026 йил 1 майга қадар** оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида низоли оилалар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш имконини берадиган “Е-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизимининг “Е-nizoli oila” модулини жорий этиш ва модулни судлар ўртасида тўғридан-тўғри интеграция қилиш чораларини кўрсин;

г) **2026 йил 1 июлга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сон қарори билан белгиланган тартибда таҳдиллардан келиб чиққан ҳолда бошқа ҳудудларнинг криминоген вазият оғир ва мураккаб маҳаллаларида ҳам маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда бунда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тезкор ҳаракатланиш тизимини жорий этиш чораларини кўрсин.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департамент бошлиғи Д.Б.Кадиоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2026 йил 5 январь	



(Боши 1-саҳифада)

Президентимиз мурожаатномада 2026 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш тадбирларига жами 3,3 трлн. сўм йўналтирилишини айтиб ўтди. Шу йил якунига қадар 503 минг гектарда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилади. Умуман олганда, кейинги уч йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган майдонлар ҳажмини 3,5 млн. гектарга етказиш вазифаси қўйилган. Бунда 220 минг гектар майдонда томчилатиб сўғориш, 110 минг гектар майдонда ёмғирлатиб сўғориш технологияларини жорий қилиш ҳамда 600 минг гектар майдонни лазерли текислаш кўзда тутилган. Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳисобига ҳар йили 2,5 млрд. куб метр суви ресурслари тежалди.

Жорий йилда 1,3 минг км. йирик магистрал каналлар бетон билан қопланиши, бунинг учун бюджетдан 3 трлн. сўм сарфланишини белгиланди. Бу эса қўшимча равишда йилига 500 млн. куб метр сувни иқтисод қилиш имконини беради.

Республикамызда 4,3 млн. гектар сўғориладиган ерларга сув етказиб



Жорий йилда сув тежовчи усуллар янада фаол қўлланилади

бериш учун жами 173,5 минг км. каналлар ва сўғориш тармоқлари хизмат қилади. Шундан, 28,7 минг км. магистрал ва хўжаликлараро, 48,6 минг км. туманлар “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари ҳисобидаги каналлар ҳамда 96,1 минг км. кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички сўғориш тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йили амалга оширилган ирригация ва мелиорация тадбирлари натижасида 500 млн. куб метр сув ресурслари иқтисод қилиниб, 305 минг гектар ерларнинг сув таъминоти яхшиланди, 16 минг гектар ерлар қайта фойдаланишга киритилди, 105 минг гектар ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва 39,9 минг гектар шўрланган майдонларнинг қисқаришига эришилди.

Сув хўжалиги вазирлиги масъуллари томонидан жорий йилда 1,3 минг км. узунликдаги йирик каналларни бетон қопламага ўтказиш бўйича зарур чора-тадбирлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, жойлардаги очиқ дренаж ва коллекторларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади. Каналларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича ҳам катта лойиҳалар бошланмоқда. Президентимиз ушбу

мақсадларга дастлабки босқичда 2026 йил учун 100 млн. доллар ажратилишини маълум қилди.

Шунингдек, каналларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича ҳам катта лойиҳалар бошланади. Қашқадарёдаги “Пахтаобод” каналини босимли қувурга ўтказиш бўйича 134 млн. долларлик лойиҳа бу борадаги биринчи қадам бўлади.



Ургут туманида жорий этиладиган янги тизим доирасида ушбу тумандаги каналлар бетон билан қопланади, 2 та сел-сув омбори барпо этилади.

Пойтахтимиз, вилоят марказлари ва шаҳарларда “йиш” ҳудудларни қўлайтириш учун сўғориш, дренаж тизимларини қайта тиклашга эътибор қаратилади. Жумладан, 160 млн. долларлик дастур доирасида Тошкент шаҳрида 150 км. ёпиқ дренаж тизими барпо этилади, 197 км. канал ва коллекторлар таъмирланади, 63 км. янги каналлар барпо қилиниб, шаҳарда салқин микроклим яратилади. Вилоят марказлари ва йирик шаҳарларда ҳам шундай лойиҳалар бошланади.

Қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида 2023 йилда 7 млрд. куб метр, 2024 йилда 8 млрд. куб метр, 2025 йилда 10 млрд. куб метр сув иқтисод қилинди. Жорий йилда эса ушбу кўрсаткични 12 млрд. куб метрга етказиш кўзда

тутилган. Иқтисод қилиш орқали етмаётган сув миқдори қопланмоқда. Тежалган сув экин майдонлари ва аҳоли томорқаларида қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилда 5 343 км. узунликдаги каналлар тозаланади, 5437 дона гидротехника иншооти ҳамда 5 272 дона гидropост таъмирланади ва тикланади.

Насос станциялардаги эскирган 156 та насос ва 149 та электродвигателлар замонавий энергия тежамкорларига алмаштирилади, 67 та конденсатор, 84 та частота ўзгарувчи қурilmалари, 60 та қўшма панеллари ва 26 та қуёш сув иситкичлари ўрнатилади.

Ушбу тадбирлар натижасида насос станцияларининг йиллик электр энергия истеъмоли 6 млрд. кВт/соатгача камайтирилади.

Қолаверса, республика чегарасида олинаётган сув миқдорини реал вақт режимида кузатиш имконини берувчи камиди 300 та, туманлар чегарасида камиди 1 895 та рақамли сув ўлчаш қурilmалари ўрнатилади. 2 952 та мелиоратив кузатув кудуги автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказилади. Йирик сув омборларидаги мавжуд сув ҳажмини реал вақт режимида кузатиш имконини берувчи қурilmалар



ўрнатилади. Насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида боқариш амалиёти кенгайтирилади. Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги насос станцияларининг 50 фоизи хусусий шерикликка берилади. Бу борада “бир насос – бир тизим” тамойили асосида “Чортоқ тажрибаси” кенг жорий қилинади.

“Сувчилар мактаби”да ҳар бир вилоятда биттадан энг илғор технологиялар билан жиҳозланган, илм-фанни амалиётга жорий қилиш бўйича кўпrik вазифасини ўтайдиган намоиш участкалари фаолияти йўлга қўйилади. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти базасида Сув хўжалиги соҳасида компетенциялар минтақавий маркаси ташкил этилади. 2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш ташаббусини амалга ошириш чоралари кўрилади. Шу йилнинг май ойда Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форуми ўтказилади. Яқин қўшниларимиз билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилади. Бунда минтақамиз давлатлари ўртасидаги сув соҳасидаги ҳамкорлик янада чуқурлаштирилади.

Ўтган йилда Марказий Осиё давлатлари ўртасида трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда ва оқилона фойдаланиш масалалари давлат раҳбарларининг изчил сиёсий иродаси натижасида янги босқичга кўтарилди.

Минтақада ўзаро ишонч ва конструктив мулоқотга асосланган янги сиёсий муҳит шаклланиб, сув танқисчилигини юмшатиш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Биргина мисол, Тожикистонда жойлашган “Баҳри Тоҷик” сув омборининг 2025 йил июнь-август ойлари учун иш режими бўйича 30 май кўни Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон ўртасида навбатдаги уч томонлама баённома имзоланиб, вегетация даврида Сирдарё, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги қишлоқ хўжалиги экинларини барқарор сув билан таъминлаш имконини берди.

Қирғизистон билан ҳамкорлик доирасида Косонсой ва Тўхтағул сув омборлари иш режимида мувофиқлаштирилди, 2025 йил Ўзбекистон ва Қозоғистонда уч давлат сув хўжалиги ва энергетика идоралари раҳбарлари иштирокида бир қатор учрашувлар ўтказилди ва тегишли баённомалар имзоланди.

Қозоғистон билан трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари конструктив руҳда хал этилди. “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида трансчегаравий сув объектларини ҳамкорликда бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ти Ҳукуматлараро Битим имзоланди.

Сирасини айтганда, юртимизда сув ресурслари бўйича илгари сурилаётган ташаббуслар нафақат халқимиз, балки минтақамиз халқлари фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Раимқул СҲАҲИДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Самимий мулоқотингиз фарзандингизнинг ички дунёсини барқарор қилишда энг кучли воситадир

Президентимиз ташаббуси билан “Имом Бухорий” ордени таъсис этилди ва кўп уламоларимиз бу орден билан тақдирланди

Қатъий назорат қурилиш сифатини таъминлайди

(Боши 1-саҳифада)

Ўтган йилнинг январ-ноябрь ойларида “Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун” ҳудудий инспекцияга жами 1100 та рўйхатдан ўтиш учун ариза келиб тушган. Уларнинг 62 фоизи ижобий ҳал этилган бўлса, 36 фоизи камчиликлари мавжудлиги сабабли рад қилинган, 2 фоиз ариза буюртмачилар томонидан бекор қилинган.

Шу даврда объектларни қайта расмийлаштириш учун ҳудудий инспекцияга жами 366 та ариза келиб тушган бўлиб, уларнинг 283 таси ижобий ҳал этилган бўлса, 83 тасига камчиликлари мавжудлиги сабабли рад жавоби берилган.

Инспекциямиз томонидан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишни назорат қилиш йўналиши бўйича ҳам кенг қўламли ишлар бажарилди. Жумладан, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви



сифатини ўрганиш бўйича 1 896 та таҳлил намуналари олиниб, шундан 28 та ичимлик сувининг белгиланган миллий стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларида жами 291 та ноқонуний ҳолатлар, жумладан, 260 таси ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ноқонуний уланишлар ва 31 та ҳолатда ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ўзгартириш ёки назорат тамгалари (пломба)га шикаст етказиш ҳолатлари аниқланди. Натижада, қоидабузарлардан сув таъминоти ташкилотларига 3 707 млн. сўмлик қўшимча тўловлар ҳисобланди.

Бугунги кунда вилоятимизда 1722 та кўп квартиралли уйлар мавжуд бўлиб, 2025 йилнинг январ-ноябрь ойлари давомида ходимларимиз томонидан 1315 та кўп квартиралли уйларнинг техник ҳолати ўрганилди. Натижада, 344 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, барчасига бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларининг 186 таси берилган мажбурий кўрсатмаларга асосан ихтиёрий равишда бартараф этилишига эришилган бўлса, 158 та қонунбузилиш ҳолати бўйича 2 млрд. 205 млн. сўмлик маъмурий жарималар белгиланди. Шу мuddат давомида кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти бўйича 34 та бошқарув органи фаолиятида мониторинг кузатувлари амалга оширилиб, бошқарув қондаларини бузган 24 та бошқарув органи раҳбарларига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, судга тақдим этилди ва 80 млн. 670 минг сўмлик маъмурий жарималар белгиланди.

Бундан ташқари, Ангор, Бойсун, Жарқўрғон, Сарисёё туманлари “Янги Ўзбекистон” массивларидаги



иссиқлик таъминоти билан таъминланган 107 та кўп квартиралли уйлар ҳам ўрганиб чиқилиб, камчиликлар аниқланди. Мавсум олди ювиш-чайиш ҳамда элеватор боғланмасидаги камчиликларни бартараф этиш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга, тасдиқланган режа-график асосида ўтган йил давомида rasportbino.uz платформасидаги мавжуд 1 минг 587 та кўп квартиралли уйлар визуал хатловдан ўтказилиб, хатлов жараёнида уйнинг ҳолати тўғрисидаги фото-лавҳалари ва далолатномалар rasportbino.uz платформасига киритилди.

Қурилиш-монтаж ишлари устидан олиб борилган назорат давомида аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун жами 466 та 5 млрд. 521 млн. сўмлик маъмурий жарималар қўлланилган, шундан бир ярим млрд. сўмга яқини ундирилган.

Кўп квартиралли уй-жойларда ўзбошимчалик билан қайта қурилиш ва режалаштиришни назорат қилиш соҳаси бўйича ҳам инспекторларимиз томонидан ўтказилган назорат тадбирларида кўплаб ҳуқуқбузарликлар аниқланган ва улар бўйича 950 млн. сўмлик маъмурий жарималар қўлланилган.

Шухрат НОРМЎМИНОВ,
Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

Ёшлар руҳий саломатлигида ота-онанинг ўрни катта

(Боши 1-саҳифада)

Рухий муаммолар ҳақида гапириш уят эмаслигини тушунтириш жамият олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Рухий қийинчиликлардан чиқиш учун мураккаб усуллар шарт эмас. Энг муҳими, муаммони тан олиш ва ёрдам сўрашдан қўрқмаслик.

Ота-оналар фарзандлари билан ҳар куни камида бир неча дақиқа самимий суҳбат қуришга ҳаракат қилиши лозим. Ёшлар ўз ҳис-туйғуларини ичида сақлаб қолмасдан, ишончли инсон билан бўлиши муҳим.

Ижтимоий тармоқлардан ҳаддан ташқари фойдаланишни камайтириш, реал ҳаётдаги мулоқотга кўпроқ вақт ажратиш фойдали. Жисмоний фаоллик, сайр ва етарли уйку руҳий ҳолатни яхшилашда катта ёрдам беради.

Агар тушқунлик узоқ давом этса ёки кундалик ҳаётга ҳалақит бера бошласа, мутахассисга мурожаат қилиш зарур. Бу заифлик эмас, балки ўз саломатлигига масъулият билан қарашдир.

Хўрматли ота-оналар! Ёшлар руҳий саломатлиги – бу уларнинг келажаги,

бахти ва жамиятдаги муваффақиятининг пойдевори. Сизнинг меҳрингиз, эътиборингиз ва самимий мулоқотингиз фарзандингизнинг ички дунёсини барқарор қилишда энг кучли воситадир. Ҳар куни бир неча дақиқа суҳбат, тинглаш ва қўллаб-қувватлаш орқали сиз уларга ўзини ёлғиз ҳис қилмаслик имконини берасиз.

Унутманг, кичик меҳрибонлик ва тушуниш ҳаракати кўплаб руҳий қийинчиликларнинг олдини олади. Фарзандингиз билан очиқ гаплашинг, уларни тингланг, ҳис-туйғуларини қадрланг ва уларни ҳар доим қўллаб-қувватлашга тайёр эканли-

гингизни ҳис қилдингиз.

Рухий саломатлик масалалари ҳақида гапиришдан қўрқманг — сизнинг эътиборингиз ва меҳрингиз уларга мустаҳкам пойдевор бўлади. Сиз фарзандингиз учун энг катта илҳом ва энг ишончли таянчсиз. Шу билан бирга, ўзингизни ҳам қадрланг, сабр ва меҳр билан уларни йўналтиринг, натижада оилангиздаги ҳар бир аъзо бахтли, соғлом ва кучли бўлади.

Шахзод ҲАМИДОВ,
Шофиркон ТТВ олий тоифали фельдшер.

Эълонлар

04-01/16900 рақами билан 1993 йил 19 мартда Илҳамова Мамура Абдукаримовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	07-01/13772 рақами билан 2019 йил 29 апрелда Семёнов Умиджон Келдиорович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	09-02/8593 рақами билан 1993 йил 12 апрелда Мадиева Ранахан номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	04-02/373 рақами билан 1992 йил 8 декабрда Якубова Мукаррам Абдуллаевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	01-01/11281 рақами билан 1993 йил 28 февралда Солоид Галина Евгеньевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
--	---	--	--	---

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ер юзида чекувчилар сони ҳозирда 1,2 млрд.ни ташкил этиб, ҳар йили улар сони 2,1 фоизга ортиб бориб, 2026 йилда 1,6 млрд.гача ўсиши эътироф этилган. Йилига 5 млн.дан ортиқ одам чекиш туфайли вафот этмоқда. Бу эса сигарет ҳар саккиз сонияда бир одамнинг умрига зомин бўлмоқда, дегандир. Мазкур муаммога қарши курашининг энг самарали йўли соғлом ҳаёт кечирishни танлашдир.

Инсоннинг замонавий ҳаёт тарзида чекиш кўпгина сурункали касалликларни келтириб чиқарувчи, иш қобилиятини пасайтирувчи, ногиронлик ва ўлим кўпайишига сабаб бўлувчи хавфли омиллардан бири бўлиб хисобланмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, тамаки маҳсулотининг инсон организмига зарарли таъсиридан ҳар йили сайёраимизнинг 6 миллионга яқин аҳолиси вафот этади. Уларнинг 12 фоизи чекувчи бўлмаган (пассив чекувчилар)дир. Ачинарлиси шуки, болалар пассив чекувчилар бўлиб қолмоқда. Яъни улар атрофидаги одамларнинг чекиши оқибатида тамаки тутуни аралаш ҳаво билан нафас олишади. Мутахассислар фикрича, соғлом турмуш тарзини яратишда аввало тамаки маҳсулотлари истеъмолига чек қўйиш зарур. Ундаги никотин моддаси инсон саломатлиги учун хавфли бўлиб, юрак, қон-томир, нафас аъзолари касалликларини келтириб чиқариши, организмда хавфли ўсмалар пайдо қилиш эҳтимоли кучли. Улар орасида ҳомилалар аёллар, гўдаклар, болалар, ўсмирлар ва ёшлар ҳаммадан кўп жабр кўрмоқда. Тамаки ва унинг тутуни таркибида одам организмига зарарли таъсир этувчи 400 дан ортиқ ҳар ил бирикмалар бўлиб, улардан энг захарлиси никотин, ис гази ва шуларга ўхшаш кўпгина зарарли моддалардир.

Шунингдек, юрак ишемик касалиги ва инсультдан ўлим



ҳолатларининг 70 фоизи чекувчи ва спиртли ичимликлар ичувчи одамларга тўғри келади. Статистик маълумотлар ҳар бир чекувчи одам ўз ҳаётини 18 йилга қисқартиришини кўрсатади.

Илмий тадқиқотларда ҳатто пассив чекиш ҳам одамда касалликка чалиниш, ногиронликка йўлиқиш ва ўлим хавфини ошириши исботланган.

Тарчи коронавирус инфекцияси хавфи сезиларли даражада чекинган бўлса-да, чекувчилар бу зарарли одатдан воз кечиш ҳақида жиддийроқ ўйлаши лозим. Бундан ташқари, зарарли одат туфайли ўпкаси зарарланган чекувчиларда коронавирус келтириб чиқарган пневмония қийинроқ кечади. АҚШ олимларининг фикрига кўра, чекувчилар орасида коронавирлар билан боғлиқ оғир ҳолатлар чекмаганларга

қараганда кўпроқ учрамоқда. Шунингдек, тамаки тутуни касалликка қарши иммунитетнинг бирламчи курашувчан жавобига сабаб бўлувчи интерферонларни блоклайди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар қандай тамаки маҳсулотларини, шу жумладан, филтрли ёки енгил сигареталарни чекиш соғлиқ учун хавфли эканлиги ҳақида огоҳлантириб, бу зарарли одатдан йироқ бўлишга қақиради.

Тамаки тутунида 4000 дан зиёд кимёвий унсурлар мавжуд бўлиб, улар организм фаолиятига ўз тасирини ўтказида. Уларнинг 43 дан ортиғи ўсма (саратон) касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлса, 400 дан ортиғи токсик (захарли) моддалар ҳисобланади. Булар жумласига: смола, никотин, ис гази, кадийий, формалдегид, ацетон, бензол, мишак ва бошқалар киради.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Бугунги кунда тинч ва осойишта ватанимизда истиқомат қилаётган аҳоли юртимиздаги олиб борилаётган халқчил ислохотларга хайрихоҳлик ва қатъий ишонч билан қараб, бу ўзгаришларнинг самарасидан хурсанд бўляпти. Аҳоли фаровонлиги, халқ розилиги ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалала айланди. Давлатимиз томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Шу асосда “Инсон қадри учун” деган улугвор ғояни амалга ошириш вазифа қилиб белгиланди.

ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЮРТГА КУРСАНДЧИЛИКЛАР ЯРАШУР

“Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир”, шиори остида кечаётган хайрли ислохотлар ижобий натижаларини бераётганини ҳар қадамда кўряпмиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, илм-фан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кексаларни эъзозлаш, ёшларга оид давлат сиёсати, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағри-кенгликни таъминлаш каби қатор масалаларда юксак ютуқлар қўлга киритилди. Иқтисод ҳам, маънавият ҳам, юртимиз равнақи ҳам кенг қўламда ривож топди. Тараққиётимизнинг янги даврида инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга эътибор кучайди.

Ҳамма соҳада бўлганидек, диний соҳада ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Мутахассис кадрлар захирасини яратиш мақсадида, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми олий мактаби, 10 та ўрта махсус ислом билим юрти, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатапти. Уларда ҳадис, қалом, фикҳ ва тасаввуф силрлари ўргатилаётгани бу борадаги ишлар кўлами нечоғлиқ кенг эканидан далолат бериб турибди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига тамал тоши қўйилди. Марказ ўз ғояси ва аҳамиятига кўра бетакрор лойиҳа бўлиб, ислом динининг илмий-маънавий бойлиги, бунёдкорлик салоҳиятини намойиш этишга қаратилган. Муҳим жиҳати, у халқнинг бунёдкорлик қудрати жўш урган ҳозирги замонда Учинчи Ренессансинг илмий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатнинг ислом цивилизациясини ривожлантириш борасидаги ролини янада оширади ҳамда буюк алломаларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини миллий ва халқаро миқёсда оммалаштиради. Марказ “Учинчи Ренес-

санс – Янги Ўзбекистон” ғоясини кенг тарғиб қилувчи, мамлакат тарихининг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўрганувчи, уни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи, моддий-маданий мерос намуналарини, ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой анъаналарни тарғиб қилувчи илмий-маърифий билим маскандир.

Юртимизда биринчи ва иккинчи Ренессансларга сабабчи бўлган буюк алломаларимизнинг муборак номлари абадийлаштирилди. Шунингдек, илк бор Президентимиз ташаббуси билан “Имом Бухорий” ордени таъсис этилди ва кўп уламоларимиз бу орден билан тақдирланди.

Алломаларнинг илмий меросларини тадқиқ қилишга кенг эътибор қаратилимоқда. Сўзимизнинг далили сифатида сўнгги йилларда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Ҳаким Термизий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Сузук ота каби алломаларимиз номлари билан боғлиқ қадамжолар, зиёратгоҳлар тарихда кузатилмаган даражада гўзал лойиҳалар билан ободонлаштирилганини келтириш мумкин. Биргина Наманган вилоятидаги Султон Увайс Қараний масжид-мажмуасининг янги биноси очилиши, Исьҳоқхон Ибрат номидаги музей, илмий мактаб ва боғ барпо қилиниши ҳамда Ўн бир Аҳмад зиёратгоҳи қайтадан бунёд этилиши юртдошларимизнинг қувончига қувонч қўшди. Мўмин-муслмонларнинг умра ва ҳаж зиёратларини адо этиши учун қўлай шарт-шароитлар яратилди. Йилдан йилга ҳаж ва умра зиёратчилари сони ошиб, уларга давлатимиз тамонидан қўлай шарт-шароитлар яратиби берилмоқда. Ҳожиларимиз ҳам бунга жавобан маънавият тарғиботчиси бўлиб, маҳаллалардаги ажрим ёқасидаги оилаларни яраштиришда, эътиқолида ўзгариши бўлган инсонларни тўғри йўлга бошлашда, қийналган оилаларга ёрдам қилишда астойдил хизмат қилишга бел боғлаган.

Муҳаммадшокир БОБОҲЎЖАЕВ,
Норин туманидаги Умархўжа эшон жомеъ масжиди имом хатиби.

Ҳамид Сулаймон Москвада, кино санъати институтида ўқиди. Москва адибу шоирлари Европа адибу шоирларига ҳавас қиладилар. Ҳ.Сулаймон шу муҳитда ўсиб, жаҳон адабиётига меҳр кўйди. Француз адабиётини севди. “Проспер Мериме новеллалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ўзбекистонда жаҳон адабиёти, хусусан, ғарб адабиётининг донишманди Ҳамид Сулаймон эди. Ҳамма бунга амин эди. У ўзи ва севгилиси Фозила ҳам жаҳон адабиёти мутахассислари эдилар.

ХАТО ОРТИДАГИ ЯНГЛИШ ХУЛОСА

Ҳамид Сулаймон Тошкент давлат уни-верситети ва Низомий номидаги педагогика институтининг номдор доценти эди. Кўз тегди. Ҳамид Сулаймон Максуд Шайхзода, Шукрулло, Саид Аҳмад гуруҳида “халқ душ-мани” сафига тиркалиб, қамоққа жўнати-лди. Қамоққа кириб бориб, ўша маҳалда – энг фожеий лаҳзаларда қамоқхонадагиларнинг “деди” (оқсоқоли) бўлди. Қандай қилиб? Ҳамид Сулаймонни қамоқ нозири умумий камерага итариб ичқари кириштиб юбор-ди. У кирди-да, атрофдаги маҳбустларга йўлбарссимон ёвқараш қилиб 360 градус айланди ва деди:

– Кто тут дед?!! (Бу ернинг оқсоқоли ким?)
– А что тебе надо?! (Сенга бунинг нима кераги бор?!)
– Я хочу знать: кто тут дед? (Мен билиш-ни истайман: бу ерининг оқсоқоли ким?)
– Я – дея бир барзанги олдиға келди.
– Это ты?! (Ҳе, бу сенмисан ҳали!) – дея унга бир мушт солди ва деднинг бурнидан қон валақлаб чиқиб, ерга қўлади.

Ҳамид Сулаймон атрофига яна бир ай-ланиб аланглади, қовоқни уйиб:
– Теперь, вы! Наверно знаете кто теперь здесь дед?! (Энди, сизлар, афтидан бу ерда ким оқсоқоллигини билиб олдинлар), зўғумни бошлади янги меҳмон.

Ва тўрт йил қамоқда дед бўлиб яшади. Тўрт йилдан сўнг, ниҳоят, Ўзбек “деди” ҳам озодликка чиқди, оқланди. Яшасин озодлик!

Ҳамид Сулаймон илм одами эди. У Пуш-кин номидаги тил ва адабиёт институтига ишга кирди. Жондан севган жаҳон адабиёти туфайли хўрланди. Энди у ўзи ўқимаган, ўзи билмаган ўзбек мумтоз адабиётидан мута-хассис бўлишга чоғланди ва мутахассис бўл-ди. Шунчалик ишончли мутахассис бўлдики, Алишер Навоийнинг “Ҳазойинул-маъоний” девонларини нашрга тайёрлади.

Бу даражага етганга қадар у нималар қилди?

Ҳар бир соҳада жасорат енгади. Ҳамид Сулаймонов ана шу ҳикматга амал қилди, шундан фойдаланди. Ҳамма унга, гайра-тига ҳавас қила бошлашди. Ташаббускор Ҳамид Сулаймоновни Ўзбекистон Фанлар Академияси Адабиёт музейига директор қилишди. У жасорат билан Ўзбекистон ос-монида парвоз қилган бургут эди. Риштон-дан Бокийни, Андижондан Абдувахҳоб Сайфийни ва бошқаларни тутиб келтириб, араб ёзувини билганликлари учун музейга илмий ходим қилди, ҳар бирини уй-жой би-лан таъминлади. У шер эди, бошқалар унга тобёе эди...

Ниҳоят у дунё бўйлаб илмий экспедиция деган кўнглиочар овга чиқди. Ҳамид Су-лаймон ўзбек мумтоз адабиёти ва санъати овчиси эди. Овчи бўлганда ҳам омадли овчи эди. У элга ўзининг нималарга қодирли-гини кўрсатиб қўймоқчи эди. У тулки ё сиртлон эмасди, у шер эди. Унинг жуссаси ҳам худди Ҳусайн Бойқаро жуссаси сингари шеркелбат бўлганини уни кўрганлар яхши билишадди.

Парияк миллий музейи кутубхонасидан Алишер Навоийнинг “Ҳазойинул-маъоний”, Бобурнинг “Аруз рисоласи”, Англия музей ва кутубхоналаридан “Бобурнома” нусхалари ва “Бобурнома”га ишланган миниатюра расмлардан нусхалар ва аллақанча маданий ашёларни ўзи раҳбарлик қилаётган Ўзбе-кистон Давлат музейига келтирди. Ҳамид Сулаймоновнинг ҳар бир сафардан қайти-ши ўзига хос маданият байрамига айлиниб кетарди. У Хиндистонга илмий сафар қил-ди. Ҳайдарободдаги Саларжанг музейидан XIV асрда яшаган хоразмлик шоир Ҳофиз Хоразмийнинг мукаммал девонини, Бобур-нинг “Бобурнома” қўлёзмасини, Саййид Қосимийнинг достонларини ва аллақанча санъатга доир ашёларни йиғиб Ўзбекистон-га келтирди ва уларнинг барчасини илмий истеъмолга кирибта бошлади.

Ўзбек адабиёти ва санъати учун мис-ли кўрилмаган тараққиёт бошланди. Ўша даврда Азиз Қаюмовнинг Пушкин номли тил ва адабиёт институтидаги раҳбарлик фаолияти ҳам ўзбек фани бахти кулгани-нинг далили эди. Шу йилларда Порсо Шам-сиев “Ҳамса”нинг мукаммал икки наشرини амалга оширди, “Бобурнома”ни мукаммал нашр эттирди. Азиз Қаюмовнинг “Қўқон адабий муҳити” каби фундаментал асари,

ёхуд “маломатга қолган” Султон Ҳусайн

“Ҳозиқ”, “Ғозий”, “Махмур” номларидаги ки-тоблари кўзқориндай потирлаб чиқди. Бу улуг маданий дарёга Ҳамид Сулаймоннинг ҳам тўрт улуши қуйилди. У улуш “Ҳазойи-нул-маъоний”нинг тўрт жилди эди. Бу улш ёнида Ҳамид Сулаймоновнинг содик шоғир-ди Саидбек Ҳасанов Заҳириддин Муҳам-мад Бобурнинг аруз рисоласи – “Мухтасар” китобини катта форматда 1971 йил нашр этди. Бу йиллардаги шарқ адабиётига доир энг йирик санъат асарларининг муаллиф – тузувчиси ҳам ҳормас-толмас жасур ва жасоратли Ҳамид Сулаймонов эди. У бирин-

ходимлари жамоаси қўлёзмадан кўчириб тайёрлаган нусха нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймонов бўлиб, нашр этилган... Менда ҳам Ҳамид Сулаймонга хос шад-додлик, жасорат ва журъатдан бирозгина бўлганимкан, 1978 йил Ҳамид Сулаймонов кабинетларига “Ҳазойинул-маъоний”нинг бир жилдини қўлтиқлаб кирдим. Салом-а-ликдан сўнг гап бошладим:
– Устоз, мен бир одобсизлик қилдим!
– Қандай?
– Сиз “Ҳазойинул-маъоний”нинг тўрт девонини чиқарган экансиз...



кетин Амир Хусрав Деҳлавий “Ҳамса”сига ишланган расмлар, “Низомий “Ҳамса”сига ишланган миниатюралар”, “Алишер Наво-ий “Ҳамса”сига ишланган миниатюралар” ва “Бобурнома” расмлари” альбомларини нашр эттирди. Бу ишлари уни нафақат СССРдай катта мамлакат, балки чет элларга ҳам машҳур қилиб юборди. Шундай улуг раҳбар “Ҳазойинул-маъоний”ни қандай нашрга тайёрлади? Камина айни шу ўтган аср 70-йилларининг иккинчи ярмида Ҳамид Сулаймонов назарига тушган ва унинг ай-рим хизматларини бажарганман. Сабаби, 1973 йил “Шарқ юлдузи” журналининг 6-со-нида каминанинг “Нашр ва масъулият” ном-ли мақоласини Шароф Рашидов (Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари) ўқиб, Огаҳий асарлари нашрлари қусурлари хусусида профессор Ғулом Каримов, доцент Субутой Долимов, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт директори Ҳамид Ғулом, бош муҳаррир Тохир Иброҳи-мов ва ўринбосари Иброҳим Ғофуровларни Марказкўмга “суҳбат” га чакиринишган. Бу ҳодисанинг шов-шуви “Раҳмонов мақола-си туфайли Ғулом Каримовлар юқориди муҳокама қилинипти” деган овозларни эшитиб, Ҳамид Сулаймонов мени каби-нета қақриб, ректоримга мени Қўлёзмалар институтига ишга юбориш ҳақида расмий илтимоснома ёзиб берди. Мен шунга кўра Тошкентга ишга келдим. Иш давомида Мав-жуда Ҳамидовага Қулфат девонини нашрга тайёрлашда, Бобохон Қосимхоновага Сай-йид Қосимийнинг маснавийларини таҳрир этишда кўмаклашдим. Ўша пайтлар мен “Ҳазойинул-маъоний” қандай нашрга тайёр-лангани ҳақида Ҳамид Сулаймонов шоғирди Ёқубжон Исҳоқов, Абдулвахҳоб Сайфий ва Бокий домлалардан маълумотлар ишқан-ман. Бу жараёни айтсам, ҳеч ким ақлига сиғиролмас керак. Ҳамид Сулаймонов ўз илмий ходимларини музейда эмас, ўз уйига йиғиб борар эканлар-да, ҳафталаб уйларида сақлаб, ҳар бирларига “Ҳазойинул-маоний” нусхасидан олинган варақларини бериб, ўқиб-қўчирилганларини пешма-пеш маши-нисткага топиштириб, иш тайёрланар экан. Илмий ходимларга Ҳамид Сулаймоновнинг оналари овқат пишириб берар эканлар...

Алишер Навоийнинг тўрт йирик “Ҳазо-йинул-маъоний” девонлари “Фан” нашри-ётида 1959-1960 йилларда 10 минг нусхада чоп этилган нашри ўшандай жараёни бош-дан кечирган экан. Демак, музей илмий

– Ҳа, мен, ҳазрат Навоийнинг “Ҳазо-йинул-маъоний”си тўрт девонини Париж нусхасидан нашрга тайёрлаганман. Ўша XV томидаги нашрга ҳам асос бўлган...
– Мен ҳавас ва меҳр билан сидқидилдан ҳарфма-ҳарф тўрт девонни ўқиб чиқиб, На-воийга ва Сизга қойил қолдим ва...

– Ва?
– Одобсизларча матнга қалам текиздим.
– Савияси қалай?
– Ростини айтаверайми?
– Ростини айтинг!
– Мен ҳарфхўр одамман. Ҳар бир девонда ўрта хисобда уш минггача нуқсон бор...
– Исбот?, – дея Ҳамид Сулаймонов сто-лидан туриб пастга – менинг ёнимга келди. Мен китобни очиб, ифодали ўқий бошла-дим. Кўрсатгич бармоғим мисралар узра кезарди:
– Эй Навоий, гар вафосиз чиқди ул Султон Ҳусайн,
Топдинг элдинким, тиларсен эмди сул-тондин вафо?

Устоз, Навоий ўлимига рози бўлади, лекин бу гапларни ёзмайди. Далилим: Навоийни Навоий қилган Ҳусайн Бойқаро, Навоийни миллилардер қилган Ҳусайн Бойқа-ро. Шу китобнинг муҳаррири Султон Ҳусайн. Султон Ҳусайннинг шохона таҳрирлари – гавҳардай сўзлари киритилгани учун маъ-нолар хазинаси – “Ҳазойинул-маъоний” бўл-ганини Навоий девон дебocasида ёзган-ку?
– Қўлёзмада шундай бўлса, мен нима қилай?

– Устоз! Бунинг шпаргалкасини ўзингиз бермаганингизда бу ҳақиқат остига мен етолмаган бўлардим. Мен “Ҳазойинул-маъ-оний” қўлёзмасини кўрмаганман. Мана, ўзингиз “Илк девон” факсимилесини чоп эттирдирингиз. Бу ғазал шу девонда бор экан!
Ҳамид Сулаймонов жавондан “Илк де-вон”ни олди. Мен “14-а” саҳифасида, дедим астагина.

Устоз китобни очиб, шунчалик тез ўқи-дики, (мен зўрга ҳижжаалаб ўқийман):
– Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул сул-тони хусн, дея таққа тўхтади ва росмана бақириб юборди:

– Ие, Султон Ҳусайн қаердан келди?!!
Мен ўшанда Ҳамид Сулаймоновнинг биргина хатосини сездим: демак нусхани бошқа одам кўчирган. Агар Ҳамид Сулаймо-нов ўзи кўчирганида бундай нуқсон содир этилмаган бўларди.

Бироқ ушбу биргина хато кейинчалик

талай йирик илмий нуқсонлар сабабчиси бўлган. Агар Ҳамид Сулаймоновдек улуг устоз ўзи кўчирса эди, нашрда юзлаб нуқ-сонлар содир бўлмас эди.

Эл ва олимлар Ҳамид Сулаймоновга ишонади. Машҳур шарқшунос Шоислом Шомуҳаммедов Ҳамид Сулаймон нашрга тайёрлаган (1959-19060) нусхадан “Алишер Навоий шеърятидан” китобини тузиб, 1974 йида нашр эттирди. Шу китобда ҳам ўша нуқсонли байт такрор берилди:

Эй Навоий гар вафосиз чиқти ул Сул-тон Ҳусайн,
Топдинг элдинким, тиларсен эмди сул-тондин вафо?

Поён Равшановдай сермахсул дониш-манд ҳам ўзининг “Тарих ҳақиқати” кито-бининг (1989) икки саҳифасида шу хато – бўҳтон байтни икки мартаба эълон қилиб юборди. Яна аллақанча ўзбек совет олимла-ри бу хато байтни дастак қилиб мақола ва рисоаларига киритдилар. Аянчлис (балки кизиги) шундаки, бу нуқсонли байтнинг ўн беш томликдаги нашрда – IV жилдда (1965) тузатилган саҳиҳ ҳолатда борлигини Ҳамид Сулаймоннинг ўзи ҳам, Шоислом Шомуҳам-медов ҳам, Поён Равшанов ҳам билмаган.

Алишер Навоий Асарлар, IV том. Ҳазойи-нул-маъоний. Фавайидул-кибар (1965) китобида ёзилгани:

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул сул-тони хусн,
Топдинг элдинким, тиларсен эмди сул-тондин вафо?

Ҳамма олимлар йирик форматли 1959-60 йиллардаги “Ҳазойинул-маъоний”дан – Ҳамид Сулаймон нашридан ҳавас билан фойдаланар эдилар. Ҳамид Сулаймоннинг битта ўша хатоси XXI асрга ҳам эсон-омон ўтиб олди.

Адиблар Ҳамид Сулаймонга ишонар эди. Омон Мухтордай зукко адиб “Аҳли ишк” романида (2004) яна ўша шубҳали байтни келтириб, Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн ораларидаги муносабат ихтилофли экани-гига китобхон диққатини тортди.

Бечора Султон Ҳусайнни ярим аср шун-чалар ҳақорат қилиб чарчамадик. Бу ҳам-маси Ҳамид Сулаймоннинг биргина хатоси – матнни бошқа кишига кўчиртириб, нашр-га тайёрловчи сифатида ўзини кўрсатгани бўлди.

Кишининг оши... ана шундай ҳодиса-ларга сабабчи бўлар экан...

Энди бошқалар бу анъанани давом эт-тирмақдалар... Гапимиз куруқ бўлмаслиги учун бир факт келтирамыз: академик Азиз Қаюмов оталари Пўлатжон Қаюмов тузган Фуркат “Девон”ини шоғирдлари Фотимахон Икромовага кўчиртириб, ўз номларини қўй-ганлар. 2013 йилда нашр этилган бу китобда ҳам юзлаб нуқсонлар содир этилган.

(Кириёе Қаҳҳоровдай донишманд аёл Ҳофиз Хоразмий “Девон”и икки китобда чоп этилганида матбуотда мақола чоп эттириб, нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймоновга ишониб, Ҳофиз Хоразмийни бадном қилган эди. Демак бунда ҳам “Ҳазойинул-маъо-ний”нинг тайёрланишига яқин жараён юз берган бўлиши мумкин. Чунончи Кириёе хоним қуйидаги байтдай ўнлаб байтларни дастак қилганлар:

Сар бошида мори бежондур.
(Нашрдаги байт мазмуни: (Гўзалнинг) бошида ўлик илондир).
Ҳолбуки бу байт қўлёзмада: қуйидагича эди:

Сарв бошида мори печондур
Қўлёзмадаги байтнинг мазмуни: (Гўзал-нинг) бошидаги соч ўринларини сарв дарахти шохларига чирмашган илонга ўхшайди.
Ҳамид Сулаймоннинг битта нуқсонли матнини олимлар ҳам “Ҳазойинул-маъо-ний”нинг ўша илк тўла нашридан кўзга суртиб ўқийдилар. Шунинг учун ҳам икки олам сарвари Муҳаммад (с.а.в) айтган ва оғохлатирган эканлар: олимнинг хатоси – оламнинг хатосига айланади.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими,
“Меҳнат шухрати” ордени соҳиби.

Эълонлар

БАРЧА ҚҮРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муассаса шаклидаги “Жануб гавҳари” болалар соғломлаштириш оромгоҳи буюртмачилигидаги қуйидаги объектга бош пудратчинини аниқлаш учун ўтказилаётган танлашга иштирокчиларни таклиф этади.

1. Объект номи: “Сурхондарё вилояти Узун туманида жой-лашган “Жануб гавҳари” болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш”.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан – 130 868 752 сўм. Ишларни тугаллаш мuddати – 30 кун.

Харид тури – очик танлаш.

Манзил: Сурхондарё вилояти Узун туманида жойлашган “Жануб гавҳари” болалар соғломлаштириш оромгоҳи.

Танлаш иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

– доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходим-ларига эга бўлиши;

– ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

– ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсат-кич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

– ўхшаш объектларда ишлаганилк тажрибаси мавжудлиги;

– бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин ба-жарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.

Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга рухсат берилмайди:

– қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тутатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

– мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифода-ланган бевоcита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуддлар.

Иштирокчилар танишиб чиқиш ва таклифини тузиш мақса-дида, лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида ташкилотчиcига му-рожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки ташкилотчи объектнинг лойиҳа ҳужжат-ларини, шунингдек, унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Иштирокчилар таклифлари ташкилотчи томонидан қуйи-даги манзилда, иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Ташкилотчи “STROY KONSALTING SERVIS” МЧЖга офер-таларни тақдим этишининг охириг мuddати оферталарни очиш куни ва вақтигача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри Миробод тумани Шахрисабз кўчаси 16 “а”- уй манзилидаги офиси (мўлжал: “Агросаноатлоийха” МЧЖ маъмурий биносининг 504-хонаси). тел: +99891 018-75-57.

Талабгор томонидан белгиланган тартибда танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш тўғрисида буюртманома ташкилотчига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичда электрон кўринишда берилади.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари битта тўғламанинг нархи – 1 000 000 сўм.

Таклифларни топшириш иштирокчининг танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўрган-гани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш эълон рўзномада чоп этилганидан бошлаб, камида беш иш кунидан сўнг ўқазилади.

“Maxam-Chirchiq”

aksiyadorlik jamiyati vakolatli omborlar tashkil qilish bo'yicha tanlov e'lon qiladi

“Maxam-Chirchiq” aksiyadorlik jamiyatida ishlab chiqarilayotgan mineral o'g'itlari va boshqa mahsulotlarni vaqtinchalik saqlash bo'yicha xizmat ko'rsatish to'g'risidagi shartnomalarni tuzishda tadbirkorlik subyektlari va boshqa talabgor korxonalar o'rtasida teng raqobatbardoshlik jarayonining xolis va shaffof o'tkazilishini ta'minlash maqsadida, Andijon viloyati hududida korxona tomonidan ishlab chiqarilgan mineral o'g'itlarni saqlashga mo'ljallangan vakolatli omborlarni tashkil etish tanlov asosida o'tkazilishini e'lon qiladi.

Mineral o'g'itlarni saqlash uchun texnik va xavfsizlik talablariga to'la javob beradigan vakolatli omborlarni hamda uni tashkil etuvchi munosib talabgorlarni tanlab olish tanlov asosida, maxsus tartibga asosan amalga oshiriladi va texnik topshiriqda belgilangan shartlarga asosan tanlab olinadi. Tanlovda O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlariga muvofiq tashkil etilgan, sog'lom moliyaviy faoliyatga ega bo'lgan, o'z mulkida, xo'jalik yuritishda yoki operativ boshqaruvida alohida mol-mulkka ega bo'lgan hamda o'z majburiyatlari yuzasidan ushbu mol-mulk bilan javob beradigan, mustaqil balansiga yoki smetasiga ega bo'lgan tashkilotlar qatnasha oladi.

Tanlovda ishtirok etish uchun tanlov takliflari muhrlangan konverta 2026-yil 12-yanvar soat 18-00 ga qadar qabul qilinadi.

Tanlovda ishtirok etish uchun zarur hujjatlar va qo'yiladigan talablar haqidagi to'liq ma'lumotlar korxonaning veb-saytiga joylashtirilgan (www.maxam-chirchiq.uz)

Ma'lumot olish uchun pochta manzili: Toshkent viloyati, Chirchiq shahri, Toshkent ko'chasi 2-uy. Telefon: (99) 229-28-22, 851-10-08. E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz

11-01/4242 raqami bilan 1993 йил 19 февралда Каткова Клавдия Петровна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

02-01/3377 рақами билан 1993 йил 27 февралда Носиро-ва Азиза Абдулмажитовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

04-01/23333 рақами билан 2009 йил 6 ноябрда Болтаев Матёқуб Тўраевич номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
**Чори
ЛАТИПОВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Рамикүл СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Оффсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси – 144. Буюртма Г-117. 3380 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қиёрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **E-mail:** infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоcи келишилган нарҳда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.00